

GENERAL RULES OF INTERROGATION, INVESTIGATIVE ACTION: RESULTS AND TRENDS

Абдураззақов Содиқжон Хусан ўғли

Учтепа тумани ИИО ФМБ Тергов бўлими катта терговчиси

ANNOTATION

This article discusses in detail the basic rules and procedure for conducting an investigative action - interrogation, the procedure for processing the results of this investigative action and its significance in the investigation of criminal cases. The tactics of interrogation and its types were analyzed depending on the condition of the interrogated. The main methods of obtaining evidence through interrogation by interrogators and investigators in criminal cases are analyzed. The opinions of leading scientists and law enforcement practice are analyzed.

Keywords: interrogation, tactics, investigator, legislation, suspect, accused, legality, admissibility of evidence, investigative action.

СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ: НАТИЖАЛАР ВА ТЕНДЕНЦИЯЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг асосий қоидалари ва тартиби, ушбу тергов ҳаракатининг натижаларини расмийлаштириш тартиби ҳамда жиноят ишларини тергов қилишдаги аҳамияти батафсил муҳокама қилинади. Сўроқ ўтказиш тактикаси ва унинг сўроқ қилинувчининг ҳолатига қараб турлари таҳлил қилинган. Суриштирувчи ва терговчилар томонидан сўроқ қилиш орқали далилларга ега бўлишнинг асосий усуллари таҳлил қилинади. Етакчи олимларнинг фикрлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: сўроқ қилиш, тактика, терговчи, қонунчилик, гумон қилинувчи, айбланувчи, қонунийлик, далиллар мақбуллиги, тергов ҳаракати.

ОБЩИЕ ПРАВИЛА ПРОВЕДЕНИЯ ДОПРОСА, СЛЕДСТВЕННОГО ДЕЙСТВИЯ: РЕЗУЛЬТАТЫ И ТЕНДЕНЦИИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно рассматриваются основные правила и порядок проведения следственного действия - допроса, порядок оформления результатов этого следственного действия и его значение при расследовании уголовных дел. Тактика допроса и ее виды были проанализированы в зависимости от состояния допрашиваемого. Анализируются основные методы получения доказательств путем допроса дознавателями и следователями по уголовным делам. Анализируются мнения ведущих ученых и правоприменительная практика.

Ключевые слова: допрос, тактика, следователь, законодательство, подозреваемый, обвиняемый, законность, приемлемость доказательств, следственное действие.

Кирриш: Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари тизими ва фаолияти янгидан шакллантирилиб, уларнинг олдидаги вазифаларга мос равишда ўзгартирилди. Шу жумладан ички ишлар органлари фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахс, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибini ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, айниқса жиноятларнинг олдини олиш, жамиятдаги турли шакллардаги мулкчиликни кўриқлаш ва дахлсизлигини таъминлаш вазифаларининг сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Жиноятларни тезкор ва тўла ошкор қилиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларидан қонунда белгиланган тартибда ушбу шахсларнинг айбдорлигини исботлаш талаб қилинади. Дастлабки тергов ва суд терговдаги исботлаш жараёни ниҳоятда мураккаб иш бўлиб, у нафақат амалий кўникмаларни, балки назарий билимларни ҳам талаб қилади.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Бугунги кунда сўроқ қилиш энг кенг тарқалган тергов ҳаракати бўлиб, мазкур тергов ҳаракатисиз бирор-бир жиноят ишини тергов қилиб бўлмади. Сўроқ қилиш – сўроқ қилинаётган шахсдан тергов қилинаётган ишга тааллуқли бўлган ва терговга қизиқиш уйғотган ҳолатлар тўғрисида далилий маълумотлар олишдан иборат тергов ҳаракатидир. Сўроқ қилишнинг моҳияти шундан иборатки, психология ва криминологияга оид билимларга таянган терговчининг моҳирона ҳаракатлари туфайли сўроқ қилинаётган шахсни муайян кўрсатувлар беришга ундайди¹. Шу муносабат билан турли тергов вазиятлари, сўроқ қилинганларнинг психологик хусусиятларидан келиб чиқадиган сўроқ характерининг кўп қирралилиги ва хилма-хиллиги ҳақида бир хулосага келиш мумкин. Шунинг учун ҳам сўроқнинг тўғрилиги фақат қонунни ёки бирор шахс билан суҳбатни амалга оширишда эмас, балки бир неча йиллар давомида тўпланган тажрибадан келиб чиққан ҳолда сўроқ қилинаётган шахснинг психологиясини тушуниш ҳамда у билан муносабатга киришишда бор билим ва маҳоратидан унумли фойдаланишдадир².

Сўроқ қилиш тергов ҳаракати мавжуд далилларни текшириш ва янгиларини олишнинг жуда самарали воситаси бўлиб ҳисобланади. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 10, 11 ва 12-бобларида белгилаб қўйилган.

¹ Бобур Ҳикмат ўғли Мухиддинов, Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. Илмий мақола.

² Тенгизова Ж.А., Джумаева Р. Х. Допрос как следственное действие: порядок проведения и отличительные особенности // Теория и практика общественного развития. 2014. № 18. С.98-99.

Сўроқ қилиш ушбу қоидаларга риоя қилинмаган ҳолда ўтказилиши унинг процессуал аҳамиятини йўқолиши ҳамда олинган далилларнинг номақбул бўлишига олиб келади. Қонун чиқарувчи сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш асослари ва тартибини келтириб ўтган бўлсада, лекин ушбу тергов ҳаракатини ўтказиш усуллари жиноят-процессуал қонунда тўлиқ ўз аксини топмаган. Кўпгина ҳолларда жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортишга нафақат далилларнинг етишмаслиги, балки ишни юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жиноятчини фош қила олмаслик, жиноят ҳолатларини таҳлил қилиш ва ишнинг мавжуд ҳолатларини етарли даражада текширмаслиги тўсқинлик қилиши мумкин.

Суриштирувчи ва терговчи тергов ҳаракатларини ўтказиш қоидалари, тартиби ва ўзига хос хусусиятларини тўлиқ эгалламасдан туриб, жиноят ишини тергов қилишнинг тўлиқлиги ва объективлигини кафолатлаш мумкин эмас. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини тўғри ўтказиш, ушбу тергов ҳаракати натижасида иш учун аҳамиятли далилларни қўлга киритиш нафақат қонунни, балки психология, криминология, этика ва педагогикани ҳам билишни талаб этади³.

Сўроқ қилиш – далилларни олиш ва текширишнинг процессуал воситаси бўлиб ҳисобланади. Сўроқ қилиш натижасида тергов ишидаги муайян фактлар текширилади. Бундан ташқари, терговчи сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш натижасида жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уни содир этишга имкон берган шарт-шароитлар ҳам ўрганилади. О.Я. Баевнинг фикрича, сўроқ анча мураккаб тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланади. Бу ҳақиқатни сўроқ қилинган шахс ҳаққоний гувоҳлик беришни зарур деб ҳисобламаслиги билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари, сўроқ қилиш тергов ҳаракати давомида терговчи томонидан сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларида ўйлаб топилган ва алоҳида ўтказиб юборилган хатоларни ажрата олиш муҳим ҳисобланади⁴. Сўроқ турли мақсадларни кўзлаши мумкин. Биринчидан, у мустақил процессуал ҳаракат сифатида бўлиши мумкин, иккинчидан, у бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш имконияти учун мажбурий шарт сифатида хизмат қилиши мумкин. Масалан, таниб олиш учун кўрсатиш ёки кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби тергов ҳаракатини ўтказиш учун мажбурий шарт сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, сўроқ қилиш орқали шахс томонидан илгари берган кўрсатувларини текшириш имкони юзага келади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида жиноятларни тергов қилиш воситаси сифатида ҳаракат қилувчи тергов ҳаракатларини ўтказиш тартиби ҳамда исбот қилишнинг умумий қоидалари назарда тутилган. Дастлабки терговни ўтказиш қоидаларини белгиловчи қонун нормаларида терговчи томонидан тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси ва терговни амалга оширишнинг қатъий асоси белгиланмаган. Умумий маънода тактика атамаси атрофдаги вазиятни баҳолаш ва унга мос равишда ўз хатти-ҳаракатларини танлаш имкониятини англатади. Криминалистик тактика дастлабки терговни

³ Бобур Ҳикмат ўғли Мухиддинов, Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. Илмий мақола.

⁴ Тактика следственных действий: учебное пособие / Баев О. Я. – М.: Юрлитинформ, 2018. – 456 с.

режалаштириш ва ўтказиш, уни амалга оширувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларига асосланган, шунингдек далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш бўйича фаолиятнинг қонунийлиги ва самарадорлигини таъминловчи алоҳида процессуал ҳаракатларни ва ташкилий-техник тадбирларни ўтказиш қоидалари тизимидир. Умуман олганда тактика тергов ҳаракатларини энг оқилона ва самарали ташкил этиш бўлиб ҳисобланади⁵.

Шундай қилиб, жиноят ишини тергов қилиш давомида мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда сўроқ қилинаётган шахснинг процессуал мақомига қараб тегишли тактикани танлаш муҳим аҳамият касб этади. Жиноят ишини бўйича муайян иштирокчини тўғри ва моҳирона сўроқ қилиш учун терговчи юқори умумий ва касбий маданиятга эга бўлиши, инсон психологиясини чуқур билиши, тактик-криминалистик методларни усталик билан ўзлаштириши лозим. Сўроқ қилинаётган шахснинг ҳар доим ҳам терговчи билан мулоқотга киришиб кетмаслиги, сўроқ давомида ёлғон ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлар бериши тергов ҳаракатини мураккаблашишига олиб келади. Агар шахс терговчига ишда маълум бўлган барча ҳолатларни ихтиёрий равишда маълум қилса ҳам, сўроқ пайтида хатолар, ихтиёрсиз бузилишлар, нотўғри тушунчалар, ҳатто уйдирмалар юзага келиши мумкинлигини инобатга олиб, бу ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда кўрсатувларни баҳолаш ва ундан фойдаланишда эътиборга олиш талаб этилади. Сўроқ қилиш тактикаси ушбу ҳаракатни амалга ошираётган терговчи учун қандай ахборот олиш кераклигини аниқлаш ва уни қандай усул ва воситалар билан амалга ошириш мумкинлигини тушуниш учун зарурдир. Бундан ташқари, сўроқ қилинган шахсда сўроқ давомида ўзини ҳимоя қилиш, ўзига қарши айбловларни рад этиш ёки бошқа керакли натижага эришиш учун маълум бир тактика ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак, одатда, бу гумон қилинувчи ва айбланувчига тегишли бўлади⁶.

Сўроқ қилиш тактикасининг асосий босқичларидан бури – сўроқ қилиш тергов ҳаракатига тайёргарлик кўриш тактикасидир. Айнан мазкур тактик босқичда терговчи сўроқ қилинадиган шахсни ўрганиши, керакли ҳужжатларни тайёрлаши, сўроқ қилинадиган шахс билан психологик алоқа ўрнатиш учун зарур ҳолатларни инобатга олиб, тўлиқ ўзлаштириб олиши муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Суриштирувчи ва терговчи сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказаяётганда ҳар доим инсон омилини ҳисобга олиши керак. Сўроқ қилинаётган шахс тергов учун муҳим ҳолатларни унутиши, воқеани тавсирлашда хатога йўл қўйиши, тергов қилинаётган иш бўйича нима муҳимлигини ёки иккинчи аҳамиятга эга эканлигини тушунмаслиги мумкин. Сўроқ қилинаётган шахс чекланган идрокка ҳам эга бўлиши мумкин (асаб тизимининг бузилиши, чарчаш, ҳаяжонланиш, сезги органларининг нуқсонлари). Агар шахс жиноят содир этилган вақтида кучли ҳаяжонланиш ҳолатида бўлган бўлса, у воқеликни етарли даражада идрок эта олмаган бўлади. Шу билан бирга, сўроқ қилинаётган шахсда хаёлпарастлик, воқеа моҳиятини тушунмаслик, содир бўлган ҳодисани тўлиқ эслаб олмаслик каби ҳолатлар ҳам юзага келиши мумкин. Бундай ҳолда суриштирувчи ёки

⁵ Литвинов М. В. Пробелы в теории и тактике допроса // Вестник КРУ МВД России. 2015. – № 4. – С.172-174.

⁶ Крыжановская Л. М. Основы криминалистической тактики // Теория и практика общественного развития. 2016. – № 3. – С.123-131.

терговчи сўроқ қилинаётган шахсга ишончли ва холисона кўрсатув беришига ёрдамлашиши лозим⁷.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексига талабларига кўра, сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги, дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмаслиги, алоҳида тоифадаги шахслар, яъни вояга етмаган гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилишнинг умумий давомийлиги кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда олти соатдан ошмаслиги белгилаб ўтилган.

Суриштирувчи ва терговчи сўроқ қилиш олдидан сўроқ қилинувчидан унинг фамилияси, исми ва отасининг исмини, туғилган вақти (йили, ойи, куни) ва туғилган жойини, яшаш жойи ва иш жойини, мансаби, машғулоти тури, маълумоти, оилавий аҳволини, судланганлиги ёки судланмаганлигини аниқлаши ҳамда бу маълумотларни жиноят ишидаги ёки сўроқ қилинувчининг шахсий ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштириб кўриши ёхуд сўроқ қилинувчи ўзини ким деб таништирган бўлса, айнан ўша шахс бўлса, айнан ўша шахс эканлигига бошқа йўллар билан ишонч ҳосил қилиши лозим. Бундан ташқари, исботлаш предметини аниқлаш, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 81-моддасига кўра, жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни, шунингдек, жиноят ишига тааллуқли бўлган бошқа ҳолатларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Сўроқнинг умумий вазифаси текширилаётган воқеа ҳақида ҳаққоний маълумотлар, бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатда мавжуд бўлган маълумотларни олишдир. Кўп жиҳатдан олинган маълумотларнинг ҳақиқатга мослиги сўроқ қилинаётган шахснинг кайфиятига, яъни тергов билан ҳамкорлик қилиш ниятида ёки аксинча бўлишига боғлиқ бўлади. Тайёргарлик жараёнида ёки тўғридан-тўғри сўроқ қилинаётган вақтда терговчи ўзига нисбатан қизиқтирган қуйидаги маълумотларни олади:

- сўроқ қилинаётган шахснинг ижтимоий-демографик хусусиятлари ҳақида (унинг ижтимоий ҳолати, демографик хусусиятлари, турмуш тарзи, моддий ва интеллектуал даражалари, касби, жинси, ёши, психологик портрети, ташқи кўриниши ва бошқ.);
- бирор маълумотларга эга бўлган бошқа шахслар ҳақида (шериклар, гувоҳлар, ўғирланган мол-мулкнинг харидорлари ва бошқ.);
- шахснинг танаси, кийими, пойафзали ва бошқа тегишли нарсалар бўйича ишда текширилаётган воқеа давомида ҳосил бўлган моддий излар ҳақида;
- жиноят содир этиш воситалари, хусусан, ишда маълум бўлган ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўзаро таъсир ва акс эттириш жараёнида иштирок этган бошқа моддий ашёлар ҳақида⁸.

Тергов таҳлили ва баҳолашнинг объекти бўлиб ҳолатларни кўриб чиқиш натижасида олинган кўрсатувлар ташкил қилади. Бироқ, айти пайтда, таҳлил ва баҳолаш предмети қуйидаги ҳолатлардан иборат:

⁷ Бобур Ҳикмат ўғли Мухиддинов, Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида айрим мулоҳазалар. Илмий мақола.

⁸ Криминалистика: учебник для прикладного бакалавриата / А. Г. Филиппов [и др.]; под редакцией А. Г. Филиппова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2019. – 466 с.

– сўроқ қилинаётган шахснинг сўроқ пайтида текширилган ва терговни қизиқтирувчи объектлар тўғрисида хабардорлик даражаси;

– олинган маълумотларнинг етарлилиги ва ҳақиқатга мослиги;

– тўпланган маълумотларнинг умумий тизимида ушбу маълумотларнинг қай даражада аҳамиятли эканлиги, бошқа манбалардан олинган маълумотларга зид эмаслиги;

– сўроқ қилинаётган шахснинг позициясининг барқарорлиги, унинг ўзгариш эҳтимоли⁹.

Сўроқ қилиш қоидалари жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Улар жиноят ишининг аниқ ҳолатларига қарамай, риоя қилиш мажбурияти билан тавсифланади. Сўроқ қилиш давомида ҳар бир терговчи жиноят-процессуал кодексида келтирилган қатор процессуал қоидаларга қатъий амал қилиши лозим. Сўроқ қилишнинг умумий тактик қоидаларига сўроқ қилинаётган шахсга индивидуал ёндашиш, у билан психологик алоқа ўрнатиш, мақсадга мувофиқлик, сўроқ қилиш кетма-кетлиги, сўроқ қилинаётган шахснинг кўрсатувларига танқидий муносабатда бўлиш, сўроқ қилишнинг бориши ва натижаларини расмийлаштириш киради.

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида расмийлаштирилади. Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш ва видеоёзувга олиш ҳам қўлланилиши мумкинлиги жиноят-процессуал қонуни билан рухсат этилган. Сўроқ қилиш давомида қўлланилган фонограмма ва видеоёзув баённомага илова қилинади.

Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи ёки терговчи томонидан сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак.

Сўроқ қилинувчи кўрсатувни ўз қўли билан ёзма равишда баён қилишга ҳақли ҳисобланади. Ўз қўли билан ёзилган кўрсатув баённомага илова қилиниб, бу ҳақда баённомага тегишли қайдлар киритилади. Сўроқ қилинувчи баённомани ўқиб бўлгач, кўрсатувлари тўғри ёзилганлиги ва у билан танишганлигини имзо чекиб, тасдиқлайди. Имзо баённоманинг охирига қўйилади, башарти кўрсатувлар бир неча саҳифага ёзилган бўлса, ҳар қайси саҳифага алоҳида имзо чекилади.

Хулоса. Шундай қилиб, ушбу масала бўйича натижаларни жамлаб, сўроқ қилиш муайян жиноят иши бўйича керакли маълумотларни топиш имконини берувчи энг муҳим тергов ҳаракати деган хулосага келамиз. Шу билан бирга, ушбу тергов ҳаракатини амалга оширишда жуда кўп нозикликлар мавжуд бўлиб, унга риоя қилиш сўроқнинг муваффақияти ва самарадорлиги учун зарур. Кўп элементларни ўз ичига олган сўроқ ўтказиш тактикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига риоя қилиш эса амалда зарурат бўлиб ҳисобланади.

⁹ Богаткина Р. Ш., Садыкова И. В. Актуальные проблемы расследования уголовных дел с участием иностранных граждан и лиц, обладающих дипломатическим иммунитетом: теория и практика // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2015. – № 2. – С. 23.

REFERENCES

1. Тенгизова Ж.А., Джумаева Р. Х. Допрос как следственное действие: порядок проведения и отличительные особенности // Теория и практика общественного развития. 2014. № 18. С.98-99.
2. Тактика следственных действий: учебное пособие / Баев О. Я. – М.: Юрлитинформ, 2018. – 456 с.
3. Мазунин Я.М. Тактико-психологические основы допроса // Психопедагогика в правоохранительных органах. 2004. – №1. – С.35-37.
4. Литвинов М. В. Пробелы в теории и тактике допроса // Вестник КРУ МВД России. 2015. – № 4. – С.172-174.
5. Крыжановская Л. М. Основы криминалистической тактики // Теория и практика общественного развития. 2016. – № 3. – С.123-131.
6. Криминалистика: учебник для прикладного бакалавриата / А.Г. Филиппов [и др.]; под редакцией А. Г. Филиппова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2019. – 466 с.
7. Рычкалова Л.А. Проблемы тактики допроса подозреваемого и обвиняемого // Общество и право. 2014. – № 4. – С. 205-211.
8. Криминалистика: учебник для прикладного бакалавриата / А. Г. Филиппов [и др.]; под редакцией А. Г. Филиппова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2019. – 466 с.
9. Богаткина Р. Ш., Садыкова И. В. Актуальные проблемы расследования уголовных дел с участием иностранных граждан и лиц, обладающих дипломатическим иммунитетом: теория и практика // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2015. – № 2. – С. 23.
10. Джумаева Р.Х. Истина как главная цель уголовного судопроизводства // Теория и практика общественного развития. – 2014. – № 16. – 21-23 с.
11. Акрамходжаев Б.Т., Муминов М.Э., Ботаев М.Д. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини режалаштириш хусусиятлари: Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 160 с.